



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 3 апрель, № 69 (7571)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



КОРОНАВИРУСДАН ФОРИФ БЎЛАЁТГАН ҲАМЮРТЛАРИМИЗ СОНИ ОРТМОҚДА

Дунёда коронавирус пандемияси юзага келгани эълон қилинган кундан бошлаб, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз қатъий чоралар кўришга киришди.

Айни кунларда барча куч ва воситалар, маблағ ҳамда ресурслар коронавирус эпидемияси кенг тарқалишининг олдини олиш, вирус билан касалланганларни талафотсиз соғайтириш, мамлакатнинг санитария-эпидемиология ҳолатини барқарорлаштиришга йўналтирилган. Натижада изчил амалга оширилаётган чора-тадбирлар боис юртимизда ушбу хасталикдан тузалганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Хушxabар



Воқеа тафсилотларини
видеолаҳзада кўринг



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Аввал хабар берганимиздек, шу кунга қадар бу дарддан фориғ бўлганлар 12 нафарни ташкил этган бўлса, куни кеча 13 нафар юртдошимиз улар сафига қўшилди. Шундан 12 нафари Вирусология илмий

текшириш институти клиникасидан, 1 нафари эса Хоразм вилоятидаги юқумли касалликларга ихтисослаштирилган шифохонадан соғайиб чиқди.



Эътироф

Таиландлик шифокорлар: Ўзбекистонда коронавирус билан курашаётган барчага куч-қувват тилаймиз

Ўзбекистонда коронавирус эпидемияси тарқалишининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар Таиланд соғлиқни сақлаш мутахассислари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Жумладан, Таммасат университети тиббиёт факультети декани ўринбосари, профессор Практиктунт Томтичонга COVID-19 пандемияси даврида бутун дунёдаги ҳамкасблари билан мунтазам равишда маълумот алмашиб турганини таъкидлади.

— Биз қўллаб-қувватлаётган пандемияга қарши кўрилаётган самарали чоралар бўйича илгор тажрибани диққат билан кузатиб бормоқдамиз, — дейди профессор. — Хусусан, Ўзбекистонда коронавирус инфекциясини юқтириб олганларга кўрсатилаётган тиббиёт муолажаларидан ҳам яхши хабаримиз бор. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган чора-тадбирларни юқсак баҳолаймиз. Бунинг самарасида инфекция кенг тарқалиб кетишининг олди олинди.

Ўз навбатида, Таиланд Соғлиқни сақлаш вазирлиги ихрожи директори Сомпоп Плейнарам ҳам Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти жорий этаётган чора-тадбирларни энг самарали йўл, дея баҳолади. У Таиланд тиббиёт ходимлари номидан Ўзбекистон халқига ва республикада коронавирус билан курашаётган барча тиббиёт ходимларига куч-қувват тилади.

«Дунё» АА.

Эксперт:

Ўзбекистонда ўз вақтида кўрилаётган чоралар хавфни камайтиришга хизмат қилади

Малайзиядаги “Petronas” нефть-газ компаниясининг Хавфсизлик, соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Нафиса ХУЖАЕВА “Дунё” ахборот агентлигининг Куала-Лумпурдаги мухбирига Ўзбекистонда коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш борасида кўрилаётган чоралар юзасидан ўз фикр-мулохазаларини билдирди.

— Бугунги кунда дунё коронавирус инфекцияси билан курашмоқда, — дейди Н. Хўжаева. — Эпидемия 200 дан ортиқ мамлакатларга тарқалиб, пандемияга айланди. Афсуски, касаллик Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Мамлакат раҳбарияти COVID-19 тарқалишининг олдини олиш учун шошилини

ва зарур чораларни кўрмоқда. Биринчи навбатда, Ўзбекистон барча хорижий давлатлар билан транспорт қатновларини тўхтатди. Давлат идораларидаги оммавий тадбирлар ва учрашувлар бекор қилиниб, масофавий ўқитиш, ишлаш усулига ўтилди.

Шахсий ва жамоат транспортида ҳаракатланиш чекланди. Ўз вақтида кўрилаётган чоралар касалликнинг кенг тарқаб кетиш хавфини камайтиряпти. Бундай саъй-ҳаракатлар вирусли инфекция тарқалишининг олдини олиш учун самарали ечим бўлиб хизмат қилади, деб ўйлайман. Бу каби чоралар ҳозирги кунда оиламиз



Танзила НАРБАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раиси:

ҲАМЖИҲАТЛИКДА БУ СИНОВДАН ЁРУФ ЮЗ БИЛАН ЎТИБ ОЛАМИЗ

Бугун бутун инсониятни ташвишга солиб турган коронавирус инфекцияси ҳар биримиздан бу “кўринмас ёв”ни биргаликда жияовлаш, унга қарши ҳамжиҳатликда курашишни талаб этмоқда. Шунинг учун ҳам жорий йилнинг илк кунлариданоқ коронавирус инфекциясининг юртимизга кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан тезкор чоралар кўрила бошланди.

“Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳолининг коронавирус инфекцияси тўғрисидаги хабардорлик даражаси ва унга муносабатини ўрганиш юзасидан сўров ўтказилганида, респондентларнинг қарийб ярми,

Долзарб мавзу

яъни 48,1 фоизи COVID-19 ҳақида батафсил маълумотга эга эмаслиги маълум бўлди.

Шунинг учун оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали аҳолининг тиббий маданиятини ошириш бўйича тарғибот ишлари кучайтирилди. Тарғибот тадбирлари бугунги кунда ҳам нақадар муҳимлиги ҳаммамизга аён. Чунки кўриб турганимиздек, бошқа давлатларда карантин қоидаларига амал қилинмаганлиги натижасида беморлар, вафот этганлар сони тобора ортиб бормоқда. Фуқароларимиз ичида ҳам ўзи ва яқинларининг саломатлигига масъулият билан ёндашмайдиган, санитария-гигиена қоидалари, карантин тадбирларини билмайдиган, уларга бўйсунмайдиганлари, афсуски, учраб турибди.

Ҳар бир фуқаронинг саломатлиги муҳим

Президентимиз томонидан коронавирус пандемиясига қарши курашиш ишлари давлатимизнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди ва бу ишларни тез ва сифатли амалга ошириш юзасидан Ҳукуматга аниқ вазифалар топширилди. Мазкур тезоқар касалликка қарши курашиш ишларига нафақат Соғлиқни сақлаш вазирлиги, балки барча мутасадди давлат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимликлар сафарбар этилди.

Мамлакатимизда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида тезкорлик билан кўрилаётган чоралар нафақат ҳамюртларимиз, балки бошқа давлат вакиллари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари томонидан ҳам муносиб эътироф этилмоқда.

Президентимизнинг махсус фармойиши билан Ҳукуматимиз раҳбари бошлиғида Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича республика махсус комиссияси тузилди ва ушбу комиссия томонидан туну кун амалга ошираётган тезкор чора-тадбирлар давлатимиз раҳбарининг қатъий назоратига олинди.

Бу касалликнинг республикамиз ҳудудига шиддат билан кириб келиши ва кенг тарқалишини бартараф этиш мақсадида дунёнинг барча давлатлари билан авиақатновлар, хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролари бўлмаган шахслар, шунингдек, йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг мамлакатимиз ҳудудига чегара ўтказиш пунктлари орқали кириб келиши тўхтатилди. Оммавий тадбирлар ва тўй-тантаналар ўтказилиши ҳам вақтинча тақиқланди. Дафн маросимларини 10 — 15 кишидан кўп бўлмаган фуқаролар, асосан, оила аъзолари ўртасида ўтказишга оид чекловлар ўрнатилди.

Мамлакатимизда коронавирус инфекцияси қайд этилган илк кун, яъни 16 мартдан бошлаб барча таълим муассасаларидаги 8 миллион 300 минг нафар фарзандларимизга таътил берилди. 80 минг талаба марказлашган ҳолда яшаш жойларига жўнатилди.

Таълимда узилишларнинг олдини олиш



мақсадида 30 мартдан бошлаб теледарслар, интернет тармоқлари орқали видео ва онлайн дарслар эфирга узатилмоқда. Давлат идоралари ва ташкилотларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари қабул қилиш ҳамда уларга турли хизматларни кўрсатиш ишлари ҳам онлайн режимида ўтказилди.

Кўчаларда транспорт қатнови, шунингдек, фуқароларнинг заруратсиз уйдан ташқарига чиқиши чекланди. Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимида ўтказилди, сиҳатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасалари сифатида мослаштирилди.

Республикамиз ҳудудига кириб келаётган шахсларни 14 кун давомида карантинга олиш мақсадида махсус тиббиёт муассасалари ажратилди. Қисқа фурсат ичида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ ва Зангиота туманлари ҳамда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида махсус шифохоналар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Яна бир аҳамиятга молик жиҳат, хориждаги ватандошларимиз четер авиарейслари орқали юртимизга олиб келинди.

Коронавирус инфекцияси муаммоси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишларда Президентимиз халқимизга мурожаат қилиб, “Мен учун ҳар бир фуқаронинг саломатлиги муҳим”, дея барча маъсулларни хушёрликка чорлади. Ушбу касаллик тарқалишининг олдини олиш борасида барча куч ва имкониятлар сафарбар этилиши, дори-дармон, озик-овқат маҳсулотлари борасида етарлича захира мавжудлиги, энг асосийси, саросима ва ваҳимага тушишга асос йўқлиги алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳада шиддат билан амалга оширилаётган изчил ислохотларга қарамасдан, қатор йўналишлар, жумладан, тиббиёт соҳасида, айниқса, санитария-эпидемиология тизимида қатор муаммолар тўпланиб қолгани ҳам сир эмас.

Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Галабанинг 75 йиллиги олдидан



УНВОНСИЗ ҚАҲРАМОН ҚИСМАТИ

...Ўшанда 1941 йилнинг айни ёз чилласи — икки йилча муқаддам армия сафида йигитлик бурчини ўтаб қайтган Камол Пулатов она қишлоғи Атторонда муаллимлик қилаётганди. Уруш бошланди-ю, миллионлаб юртдошларимиз қатори бу алпқомат йигитнинг ҳам ҳаловати бузилди. Биринчилар қаторида фронтга йўл олди. Кетар чоғи кўнгли бир нимани сездими, умр йўлдоши Фотимага “Ўзингни, боламизни асра.

Чирогимизни ёқадиған шу”, деди. Ва... ортига қарай-қарай кетди. Рауфжоннинг ота томон чўзилган жажжи қўллари ҳавода муаллақ қолди...

Камолга ҳарбий хизматда бўлгани, рус тилини билгани асқатди. Жангларда мардлиги, довураклиги билан назарга тушди — унга лейтенант унвони берилиб, бўлирма командири қилиб тайинланди.

Сталинград (ҳозирги Волгоград) учун бўлган аёвсиз жангларда унинг бўлинмаси олдинги

маррада эди. Шундай жангларнинг бирида душман ҳужумини қандай бўлмасин қайтариш топшириғи берилди. “Пулатов, ҳамма умидимиз сендан. Душмани тўхатиб, вақтдан ютишимиз керак. Ортга йўл йўқ”, деди қисм командири, лекин Камол ва унинг йигитларини муқаррар ўлим чангалига ташлаётганини англаб турар, бироқ иложсиз эди.



КОРОНАВИРУС

бўйича маълумот:

дунёда
2020 йил 2 апрель ҳолатига кўра,
жами касалланганлар сони —
1 000 115 нафар,
касаликдан тузалганлар сони —
211 350 нафар,
вафот этганлар сони —
52 414 нафар.

Ўзбекистонда
2020 йил 2 апрель
соат 23.15 ҳолатига кўра,
касалланганлар сони —
205 нафар,
тузалганлар **25** нафар,
вафот этганлар 2 нафар.

УЙДА ҚОЛИНГ!

Танзила НАРБАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Раиси:

ҲАМЖИҲАТЛИКДА БУ СИНОВДАН ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН ЎТИБ ОЛАМИЗ

◀1

Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида ургу бериб, ушбу тизим йиллар давомида эътибордан четда қолгани, унинг моддий-техника базаси ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, кадрлар салоҳияти етарли эмаслигини таъкидлаб ўтди. Тиббиёт соҳасини ривожлантириш ишлари изчиллик билан давом эттирилиши юзасидан тегишли мутасаддиларга аниқ топшириқлар берилди.

Инкирозга қарши 10 триллион сўм

Дунё миқёсida कोरोनाвирус инфекцияси тарқалиши ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирى ва савдо алоқалари издан чиқишига сабаб бўлаётгани барчага маълум.

Дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари, халқаро молия институтлари ҳам пандемия оқибатлари мамлакатлар иқтисодийётига салбий таъсир кўрсатишига эътибор қаратмоқдалар.
Бундай омилларнинг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини юмшатиш мақсадида 2020 йил 19 март куни Президентимизнинг “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат билан Молия вазирлиги ҳузурида Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, унга 10 триллион сўм миқдорда маблағ йўналирилди. Мазкур жамғарма маблағларидан фойдаланишининг устувор йўналишлари этиб коронавирус тарқалишига қарши кураш тадбирларини молиялаштириш, тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини кўллаб-қувватлаш, халқимизни ижтимоий кўллаб-қувватлашни кенгайтириш ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор

фоолият юритишини таъминлаш каби кечиктириб бўлмас вазифалар белгиланди.

Президент Фармонида 2020 йил 1 апрелдан жисмоний шахслар томонидан хайрия ташкилотидан моддий наф тарзида олинадиган даромадларни солиққа тортишдан озод этиш белгиланди. Тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар учун берилган солиқ ҳамда бошқа имтиёзлар кўлами ҳам ҳар жиҳатдан кенгдир. Табиийки, бу каби меъёрлар тегишли қонунларда акс этилиши лозим, бу йўналишда амалий ишлар бошланди ва ижроси таъминланди.

Шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки, давлатимиз раҳбари топшириғи асосида “Коронавирус пандемияси даврида аҳолини, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини кўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги яна бир Фармон лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Ушбу ҳужжатдан ўрин оладиган кўшимча чора-тадбирлар халқимизнинг даромадини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истағида бўлган фуқароларимизни янада кўллаб-қувватлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Бугунги кун қахрамонлари

Тиббиёт ходимлари мазкур пандемияга қарши курашишда фидойилик кўрсатмоқда. Эътибор беринг: ҳали уларнинг бирортаси касалликни юктириб олишдан қўрқиб, ўзини четга олмади, миллат салооматлиғи йўлида туну кун меҳнат қилмоқда. Бундан ташқари, Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиғи ҳамда бошқа масъул идоралар мутахассисларининг меҳнатини эътироф этиш зарур. Шу муносабат билан соҳа ходимларининг меҳнатини муносоиб рағбатлантириш давлатимизнинг диққат марказида турибди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт,

санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни кўшимча ижтимоий ва моддий кўллаб-қувватлаш мақсадида вирусни юктириб олган тиббиёт ходимларига давлатимиз раҳбарининг махсус қарори билан 100 миллион сўмдан компенсация тўланиши белгиланди.

Коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, карантин объеклари ва коронавирусу инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимларига лавозимига кўра ҳар 14 кунлик фаолият даври учун 5 миллиондан 25 миллион сўмгача миқдорда махсус кўшимча рағбатлантириш тўлови белгиланди.

Муҳтарам Президентимиз томонидан тиббиёт ходимларининг меҳнатига муносоиб ҳақ тўлаш, уларни кўллаб-қувватлаш ишлари бундан кейин ҳам давом эттирилиши алоҳида таъкидланди.

Аҳоли муаммоларини ҳал этиш ҳар қачонгидан долзарб

Бу шароитда парламент аъзолари ҳам ўзларининг олдida турган долзарб вазифаларни белгилаб олдилар. Қисқа муддатларда пандемия тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этадиган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун қабул қилинди.

Вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Сенатнинг ялли мажлиси илк бор видеоконференцалоқа шаклида таъкилдди ва бу жараён “Электрон парламент”нинг жорий этилишида дастлабки қадам бўлди.

Бугун ушбу қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишида, аҳоли ўрта-сида кенг тарғибот ишларининг

олиб борилишида маҳаллий Кенгаш депутатлари, сенаторларимиз фаол қатнашяпти.

Коронавирус пандемиясининг тарқалиши биз учун катта синов ҳам бўлмоқда. Нафақат ушбу пандемия, умуман, агар келгусида шунга ўхшаш фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолатларда, макроиктисодий барқарорликка салбий таъсир қилиши мумкин бўлган омилларнинг барвақт олдини олиш, бу борада қонунчилигимизни янада такомиллаштириш масалаларини ўрганишга киришидк.

Бундан ташқари, Сенатнинг кун тартибида тиббиёт соҳасидаги муаммоларни чуқур ўрганиш, айниқса, аҳолининг соғлом овқатланишини ташкил этиш, овқатдан заҳарланиш ҳолатларининг олдини олиш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ногиронлиғи бўлган фуқароларни соғломлаштириш каби масалалар турибди. Бизнинг махсус ишчи гуруҳларимиз томонидан мавжуд муаммолар таҳлил қилинмоқда, бу борада Ҳукуматга тегишли тақлифлар киритилади ва албатта, улар билан биргаликда тизим фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан зарур ишлар амалга оширилади.

Ҳаммамизга яхши маълум, Янги Ўзбекистон қурилишида давлатимиз раҳбарининг тегишли Фармон ва қарорлари асосида ёлғиз қариялар, ногиронлиғи бўлган фуқаролар ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига, қисқача айтганда, камбағликни камайтириб, халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати-ни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугун коронавирус пандемияси билан боғлиқ тадбирларни изчиллик билан амалга ошириш, барча соҳада режалаштирилган ишларимизга, айниқса, иқтисодий ислохотларга унинг салбий таъсирини камайтириш бўйича ишларни амалга ошириш ҳар бир раҳбарнинг юксак масъулиятли бўлишини тақозо этади. Албатта, бу пандемия барчамиз учун қутилмаган ҳолат бўлди ва кўпчилик бунга тайёр ҳам эмасди.

Лекин сўнгги кунларда халқимиз бирдамлик ва ҳамжиҳатлик намунасини кўрсатиб, Республика ишчи гуруҳи тавсияларига амал қилмоқдалар. Турли соҳалар раҳбарлари, депутат ва сенаторларнинг уюшган ҳолда фаолият кўрсатиши эса тез кунларда коронавирусни енгиб, икжойб натижаларга эришишимизга олиб келади, албатта.

Зеро, давлат ва жамоат ташкилотлари, умуман, бутун халқимиз билан бир бўлиб, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, бу синовдан ёруғ юз билан ўтиб оламиз.

Бу масала, айниқса, бугунги вазиятда жуда катта аҳамиятга эга. Шу муносабат билан ижтимоий нафақа олувчиларнинг сони 10 фоиз ёки 60 минггача кўпайтирилиши, тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқароларга қатор янги имтиёзлар жорий этилиши, ишсиз фуқароларимизнинг бандлигини таъминлаш бўйича қўрилаётган тезкор чоралар коронавирус пандемияси билан боғлиқ бўлган инкироз ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Ушбу йўналишдаги ишлар халқимиз томонидан ҳам кўллаб-қувватланишини ташкил этиш мақсадида Олий Мажлис Сенати “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондига маблағ ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Қувонарлиси, ушбу ташаббусимиз бошқа давлат идоралари, нодавлат ташкилотлари ҳамда бизнинг азиз юртдошларимиз, саховатпеша инсонларимиз томонидан ҳам кўллаб-қувватланмоқда, улар бу хайрли ишга қўшилиб, хайрия акциясининг фаол иштирокчисига айланмоқда.

Бундан ташқари, сенаторларимиз ва жойлардаги депутатларимиз аҳоли муурожаатларининг ҳар бирига эътибор билан қараб, уларнинг муаммоларини тезкорлик билан ҳал этиш ишларини ташкил қилмоқдалар. Бунда карантин тартибларини эътиборга олиб, масофадан туриб мулоқот қилиш тизими кенг жорий этилмоқда.

Сенаторларимиз шуғулланаётган масалалардан яна бири — озик-овқат маҳсулотлари, дори ва гигиена воситаларига нарх-наволарининг озиб кетмаслигини қаттиқ назоратга олиш, бу мақсадда ҳудудлардаги ва пойтахтимиз бозорлари, савдо мажмуалари ва дорихоналардаги ҳолатларни ўрганиб бориш ҳамда бу борада Ҳукуматга амалий ёрдам кўрсатишдан иборатдир.

Яқинда Сенат кўмига ва назорати остида Тошкент шаҳрида вақтинча ишлаган, аммо карантин туфайли ўз ҳудудларига қайтишга қйналиб турган 2 минг нафарга яқин юртдошларимиз ўз уйларига етиб олди.

Эксперт: Ўзбекистонда ўз вақтида кўрилаётган чоралар хавфни камайтиришга хизмат қилади

◀1

Давлат раҳбарининг тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш, уларни юқори даражадаги ҳимоя воситалари билан таъминлаш бўйича қабул қилган қарори таҳсинга лойиқдир.

Шу муносабат билан шифокор сифатида соғлиқни сақлаш тизими ходимлари-га кўрсатилаётган эътибор ва ҳозирги оғир шароитларда ишлаш учун яратилган шароит учун мамлакатимиз раҳбариятига миннатдорлик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, айнаи пайтда қариндошлари Ўзбекистондан ташқарида бўлган ватандошларимизга муурожаат қилмоқчиман. Ўзбекистон раҳбарияти Малайзияда ва бошқа чет давлатларда бўлиб турган фуқароларимизга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш учун барча зарур чораларни кўрмоқда. Шу боис чет элда бўлган Ўзбекистон

фуқароларини сабрли бўлишга ва пандемия тугагунга қадар ўз уйларида қолишга, бундан ташқари, ўзлари яшаётган давлатларда қабул қилинган карантин тартибларининг барча талаб ва қоидаларига сўзсиз риоя қилишларига чақираман.

Ҳозирги кунда дунёнинг деярли барча мамлакатлари, шу жумладан, Малайзияда ҳам инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш учун зарур чоралар кўрилмоқда. Инсонлар ҳукумат жорий этган тартиб ва қоидаларга риоя қилган ҳолда ушбу касалликни енгишга ўз хиссасини қўшмоқда. Сиз, азиз ватандошлардан Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган тартибларга тўлиқ амал қилишингизни сўраб қоламан. Фурсатдан фойдаланиб, барчага сихат-саломатлик тилайман.

«Дунё» АА.
Қулола-Ўлмуғур

КОРОНАВИРУСДАН ФОРИҒ БЎЛАЁТГАН ҲАМЮРТЛАРИМИЗ СОНИ ОРТМОҚДА

◀1

Вирусология илмий текшириш институти клиникасида соғайганларни соғлиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов ҳамда бошқа масъуллар Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт марказига кузатиб қўйдилар.

Коронавирус инфекцияси хасталигидан тўзалган фуқароларимизнинг 1 нафари жорий йил 13 март куни Истанбул — Тошкент йўналишидаги рейсда, яна 1 нафари эса шу йил 18 март куни Москва — Тошкент йўналишидаги рейс

Соғлигимизга боғлиқ масалага қай даражада масъулмиз?

Дунё бўйлаб кенг тарқалаётган коронавирус инфекцияси (COVID-19) барчани ташвишга қўйгани ҳақиқат. Чунки ушбу вирус билан касалланганлар сони ҳали-ҳамон кўп. Айнаи пайтда барчамиздан бу балога қарши қатъий ҳимояланиш талаб этилмоқда.

Мушоҳада

Тарих гувоҳ, инсоният бу каби балоларни кўплаб бошидан кечирган. Оғир, синовли кунлар ҳамиша одамларни ўзаро бирлашишга ундаган. Бугун ҳам дунё халқлари бир тану, бир жон экани кундай равшанлашди. Яшин тезлигида қитъалар оша тарқалиб бораётган коронавирус инфекцияси инсониятни ўзаро ҳамжиҳатликка ундаётганини, таъбир жоиз бўлса, “оғоҳлик қўнғирог” бўлиб янграётганидан ҳар бир онгли киши қалбдан ўтказиб, чуқур англаяпти.

Юртимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг турли катламларини ижтимоий ҳимоялаш, санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш бўйича барча зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бинобарин, Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини камайтириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим дастуриламалга айланди.

Сурхондарё — мамлакатимизнинг жанубдаги дарвозаси. Шу боис Афғонистон, Тожикистон ва Туркменистон билан бевосита чегарадош ҳудудда пандемияга қарши икки ҳисса кўп курашмоқ керак. Гап шундаки, бу жараёнда ҳар бир шахснинг бевосита иштироки, глобал хавфга қарши курашмоғи, айниқса, муҳим.

Бирок, афсуски, ўрнатилган карантин талаблари ҳоиятини тўла-тўқис тушуниб етмаётган, чекловларни онгли равишда бузаётган шахслар орамизда

Аниқ мисолларга таянадиган

бўлсак, карантин даврида вилоят солиқ идоралари томонидан 61 ҳолатда 1784 килограмм, умумий қиймати 42 миллион сўмлик картошка, пиёз маҳсулотлари нархи асоссиз равишда оширилгани аниқланган. Ўз навбатида, бу уддабурон “тадбиркор”ларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар қўлланилган. Бундай оғир кунларда кишлоқ хўжалиғи ва қундалик эҳтиёж учун зарур маҳсулотлар нархини оширишга уринаётганларни ким деб аташ мумкин? Шунчаки қоидабузарликми ёки эл-юртга хиёнатми?

Мен буни хиёнат, деган бўлардим. Ҳолбуки, айнаи пайтда Сурхондарё вилоятида миришкор деҳқонларимиз томонидан етиштирилаётган сазавот маҳсулотлари пишиб етиляпти. Унинг айримлари пешма-пеш сотувга ҳам чиқарилаётмир. Заҳира ҳам етарли.

Умуман, пандемия халқимизни бир оз саросимага солган бўлса-да, юртимизда ҳаёт бир маромда давом этмоқда. Хусусан, қуёшли ўлка — Сурхондарёда баҳорги юмшлар айлани авжида, экин-текин ишлари ўз вақтида амалга ошириляпти. Айрим далаларда бугдўй бошоқ тортишга шайланаятган бўлса, бошқа бир жойда умид билан экилган ғўзалар бир текис униб чиқаётир.

Кимдир уйда, оиласи бағрида, яна кимдир хизмат вази-фасини масофадан туриб ба-жармоқда. Демак, бутун жамият-тимиз ҳаракатда — барча ко-ронавирус инфекциясига қарши курашга чоғланган. Умид қила-мизки, тез орада пандемик ҳолат чекинади. Яна ҳаёт ўз из-мига қайтади. Бунинг учун биз, барчамиз глобал хавфга масъулият, матонат билан қарши туришимиз, яхши кунларга кўз тикиб яшашимиз лозим.

Оразкул СОАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Энергетика — иқтисодий ривожланиш ва тараққиёт двигатели

Энергетика — инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутadi. Сўнгги эллик йилда бутун инсоният тарихидагидан кўра, кўпроқ органик ёқилғи қазиб олингани, бугунги кунда дунёда ёқилгидан фойдаланиш миқдори йилгига 13 миллиард тонна нефть эквивалентига тўғри келаётгани фикримиз тасдиғидир.

Нуктаи назар

Қайд этиш жоизки, айнаи пайтда нефть, табиий газ, кўмир, уран каби қазиб олинadиган ёқилғи турлари жаҳон энергетика балансининг неғизини ташкил этади. Яқин келажақда ҳам шундай бўлиб қолади. Энергия ресурсларидан ҳозирги фойдаланиш миқдори даражасида жаҳонда нефть захираси 40 — 45, табиий газ 65 — 70, тошкўмир 160 — 165, кўнгир кўмир 440 — 450 йилга, ядро ёқилғиси эса нисбатан кўпроққа этади.

Дарёлар, сув омборлари ва ирригация каналларининг гидро-энергетика салоҳияти, қуёш, шамол энергияси, биомасса (маиший чиқиндилардан фойдаланиш туфайли олинadиган энергиялар, сувнинг кўтарилиши ва океан тўқиларини энергияси, геотермал энергиянинг муқоиб турларида ўз ифодасини топади. Назарий жиҳатдан олиб қараганда, қайта тикланувчи энергия манбалари улардан кенг кўламда фойдаланиш учун катта имкониятлар яратadi. Бирок бу билан боғлиқ молиявий харажатлар ва уни ишлаб чиқариш учун бажарилиши лозим бўлган шартлар ушбу манбалар жозибадорлигини маълум даражада пасайтиради.

Дунё миқёсида иқлимнинг глобал исиб кетиши билан боғлиқ муаммони эътибордан соқит қилганда ҳам, яқин келажақда қайта тикланадиган энергетика имкониятлари чекланганича қолаверади. Одатда, қайта тикланувчи энергия манбалари аҳоли пункти, ташкилот ёки саноат корхонаси эҳтиёжларига жавоб берадиган катта ҳажмдаги энергияни мунтазам ишлаб чиқаришини таъминлай олмайди. Бу манбалар олис ва бориш қийин бўлган туманларда жойлашган объектлар учун кичик ҳажмдаги энергия ишлаб чиқариши таъминлаши мумкин ёки

анъанавий (қайта тикланмайдиган) энергия манбалари билан тўлдирилиш лозим.

Бундан ташқари, кўплаб турдаги қайта тикланувчи энергия манбалари билан боғлиқ экологик сарф-харажатлар ҳам кўпайиб бораётганини эсдан чиқармаслик лозим. Электр энергияси ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган турли қувватга эга қуёш фото-электр тизимлари ва шамол генераторлари ўрнатилган жойлар атрофида салбий омилларни камайтириш мақсадида уларни тўғри лойиҳалаштириш керак.

Водород энергетикаси эса ҳозирча экологик хавфсиз эмас деб ҳисобланмоқда. Бирок водород олиш жараёнини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бу вазиятни икжойб томонга ўзгартиради. Бугун ядро энергетикаси иссиқхона газларининг атди-мосферага чиқишини камайтиришга қаратилган энергия таъминоти муаммосининг ечими сифатида қўриб қилияпти. Ушбу технологиянинг радиоактив чиқиндиларини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Уларнинг зарарли таъсири минг йилларгача чўзилади. Шунинг учун радиоактив чиқиндилар ишончли жойларга мустаҳкам қўмилади. Бу масалаларга жиддийроқ эътибор берилса, ядро энергетикаси катта маблағ талаб қилadиган тармоқ эканлигини англаб етиш қийин эмас.

Шубҳасиз, энергияни самарали ишлаб чиқариш ва ундан оқилона фойдаланиш табиий ресурсларни асраб-авайлаш ва атроф-муҳит емирилишининг олдини олувчи энг қўли усулдир. Янги энергетика технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш (ис-сиқлик ва электр энергиясини биргаликда ишлаб чиқариш, ёқилғи элементлари, кўмирни газлаштириш, суяқ синтетик ёқилғи турлари), ёқилғи ва энергиядан фойдаланиш самарадорлигини

ошириш, кенг миқёсда энергия ишлаб чиқариш жараёнида қайта тикланувчи энергия манбалари улушини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Истеъмолчиларнинг энергиядан фойдаланиши ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Яъни биз энергиядан янада оқилона фойдаланишимиз зарур. Бундан кўзланган мақсад қимматли ресурслар захирасини камайтирмаслик, атроф-муҳит ифлосланиши ва емирилишига салбий таъсир кўрсатмаслик ҳамда энергияни беҳуда ишлаб чиқармасликдир. Бу ёндашув энергия учун уни ишлаб чиқариш таннархига яқинлашадиган нархни белгиланиш талаб қиладди. Шунингдек, у самара берадиган энергетика ускуналарини ишлаб чиқариш ва аҳоли онгда энергиядан тежаб-тергаб фойдаланиш тушуначасини шакллантиришга қаратилган.

Қайта тикланувчи энергия манбаларининг яна бир афзаллиғи шундаки, улар углеводород ресурсларини электр энергиясини юзага келтириш мақсадида шунчаки ёқиб қўя қолмасдан, уларни нефть-кимё саноатида хом ашё сифатида фойдаланиш сари йўналтириш имконини беради. Шунингдек, у олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлар аҳолиси учун иқтисодий асосланган, фойдаланса бўладиган ягона ишончли манбага айланиши мумкин. Айнаи чоғда у айрим камчиликлардан холи эмас. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг аксарият турлари учун энергия оқимининг унчалик зич эмаслиғи ва ўзгарувчанлиғи, унинг технологиялари солиштирма қийматининг юқорилиғи шулар жумласидандир.

Агар энергия ишлаб чиқариш жараёни иқтисодий жиҳатдан мунтазам равишда таҳлил қилинса, қайта тикланувчи энергия манбалари аънанавий ёқилғи-энергетикага қараганда анча арзонга тушади. Айтиш жоизки, энергетика инфратузилмаси янгиланаётган ўтиш даври иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларда қайта тикланувчи энергетика технологияларини татбиқ этиш учун яхши имкониятлар мавжуд.

Мамлакатимизда 2017 — 2021 йилларда мазкур тармоқни янада ривожлантириш, иқтисодиёт ва

ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури амалга оширилмоқда. Мазкур дастур анъанавий ёқилғи турларини қайта тикланувчи энергия манбалари билан алмаштириш ҳамда электр ва иссиқлик ишлаб чиқаришда аънанавий ёқилғи турларидан фойдаланишни қисқартириш, яъни қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига ёқилғи-энергетика балансини диверсификациялаш имконини беради. Қолаверса, Президентимиз томонидан 2019 йил 21 майда “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни имзоланди-ки, унда бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, Қонуннинг 11-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолиятини олиб борувчи юридик ва жисмоний шахсларга қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги солиқ, божхонага оид ҳамда бошқа имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланиш ҳуқуқи берилди.

Юртимизда қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини ишлаб чиқариш ҳамда уларга хизмат кўрсатишни таъминлаш учун технология база яратилди. Бугунги кунда 50 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар қайта тикланувчи энергия манбалари ускуналарини ишлаб чиқариш технологияларига эга. Бундан ташқари, Наманган вилоятининг Поп туманида Корея Республикаси технологиялари қўлланган ҳолда 130 кВт қувватга эга қуёш электр станцияси ишга туширилди. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватли қуёш электр станциясини қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Яна иккита вилоятда худди шундай станцияларни барпо этиш режалаштириляпти. Булар мазкур тармоқни янада ривожлантириш орқали иқтисодий ўсишининг барқарорлиғи ва аҳоли қаровонлигини таъминлашда айнаи муддаодир.

Носиржон АМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати,
Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси.

ЕОИИ пенсия тизимида саволлар кўп

Шу кунларда парламент қуйи палатасининг барча фракция ва қўмиталари томонидан Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги масаласининг барча жиҳати чуқур ўрганилмоқда ҳамда қизгин муҳокама этилаётир. Жумладан, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари томонидан мамлакатимиз ЕОИИга қўшиладиган ёки қузатуви давлатлар қаторига кирадиган бўлса, фуқароларимиз бордию бошқа давлатларга кўчиб ўтганда пенсия таъминотидаги масалалар қандай ҳал этилади, деган масала ҳам атрофлиа ўрганиляпти.

Муносабат

Ўзбекистон Евроосиё иқтисо-дий иттифоқига аъзо давлатлар ичида меҳнат ресурслари сони бўйича Россия Федерациясидан кейин иккинчи ўринда туради. Бу эса, ўз навбатида, юртимизнинг меҳнат ресурсларига бойлигини, меҳнат салоҳияти юқорилигини кўрсатиб турибди. Шу сабабли ташки меҳнат миграцияси ўта му-ҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Хозирги кунда мамлакатимиз-дан 2,4 миллионга яқин кишилар ишлаш учун хорижий давлатлар-га чиқиб кетган бўлиб, ташки мигрантларнинг асосий қисми Россия Федерациясига (2,2 млн. киши ёки 91,7 фоиз) тўғри келяпти.

Мабодо, ЕОИИга аъзо мамла-кат (ёки қузатувчи) сифатида қўшиладиган бўлсак, Ўзбекистон ва ЕОИИнинг йирик иқтисодиёт-лари ўртасида иш ҳақи ҳажми бўйича сезиларли тафовутлар борлиги туфайли мамлакатимиз-да ишчи кучининг хорижа кўчи-ши кўпайишига олиб келади.

Меҳнат мигрантларимиз рас-мий равишда ишга ёлланган бўлса, унда унинг фарзандлари ўша мамлакатдаг бочга ва мак-табларда ўқиши мумкин бўлади. Шунингдек, муҳандислик соҳаси-да университетни тамомлаган Ўзбекистон фуқароси ЕОИИга аъзо бўлган давлатларга бориб, у ердаги фуқаролар билан тенг шaroитларда ишлаш ҳуқуқига эга бўлади. Пенсия таъминоти каби ҳал этилмаган муаммолар мав-

жуд бўлса-да, умумий меҳнат бозорининг ЕОИИда бирмунча шаклланганини тан олиш зарур.

Шу ўринда айтиш керакки, Евроосиё иқтисодий иттифоқи-нинг мавжуд бўлишига қарамас-дан, ушбу давлатларда пенсия-лар турли хил ҳисобланиб ке-линмоқда. Бу ҳолат эса пенси-онерларнинг бошқа давлатлар-га кўчишларида бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу боис ЕОИИ томо-нидан бутун иттифоқнинг пенсия майдонини бирлаштиришга қарор қилинди.

Жумладан, ЕОИИ иштирокчи-давлатлар жорий йилнинг ўзидаёқ ишловчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида келишув имзоланиши ва ратификация қилиниши мумкинлигини таъкид-ламоқда.

ЕОИИнинг ташкил этилиши бил-лан пенсионерларнинг бир мам-лакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб ўтишлари енгиллашгани, ягона майдонда катта муаммони келтириб чиқарди. Иттифоқнинг мувофиқлаштирувчи органи, яъни Евроосиё иқтисодий комиссияси биринчи мартаба “пенсия ма-саласи” бўйича ўйлашга тушган бир пайтда, пенсияга чиқиш ёши турли давлатларда турлича ёшларни ташкил этмоқда. Мисол учун, хозирги кунда (эркак/аёл-лар) пенсия ёши Россияда — 60,5/55,5 ёшни, Қозоғистонда — 63/59 ёшни, Қирғизистонда — 63/58 ёшни, Беларусда — 61,5/ 56,5 ёшни ва Арманистонда эр-

как ва аёллар учун бир хил 63 ёшни ташкил этмоқда.

Ўзбекистонда эса 1993 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғри-сида”ги Қонунда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ёш чегараси эркалар учун — 60 ёш, аёллар учун эса — 55 ёш этиб белги-ланган ҳамда хозирги кунга қадар ўзгаришсиз сақланиб қолинмоқ-да. Бундан ташқари, бугунги кун-да Ўзбекистонда МДХ давлатла-ри ичида талаб қилинадиган ми-нимал иш стаж и энг паст ҳисоб-ланади. Бу кўрсаткич 7 йилни ташкил этади.

Ваҳолонки, Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ижтимоий таъ-минотнинг минимал меёёрлари тўғрисида”ги конвенциясига мувофиқ, ёшга доир пенсияни тайинлаш учун талаб этиладиган энг кам иш стаж и 15 йил қилиб, дунёнинг кўплаб давлатлари, шу жумладан, МДХ давлатларида эса талаб этилган энг кам иш стаж и 10 йилдан 15 йилгача белгиланган.

1992 йил 13 мартдаги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирок-чи давлатлари фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасида ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғри-сида келишувнинг 1-моддасига асосан, мазкур келишув ишти-рокчи давлатлари фуқаролари ва улар оила аъзоларининг пенсия таъминоти улар қайси давлат ҳудудида яшаётган бўлса, ушбу давлат қонунчилиги асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Мазкур келишувнинг 6-модда-си 2-қисмига асосан пенсияга, шу жумладан, имтиёзли асослар-да ва белгили хизмат муддати бўйича пенсияларга ҳуқуқни аниқлаш учун мазкур келишув амалга киритилгунга қадар, ке-лишув иштирокчиси исталган давлатларнинг ҳудудида, шунинг-дек, собик СССР ҳудудида ор-тирилган стаж қабул қилинади.

Мазкур келишув айнан ЕОИИ давлатлари томонидан ҳам им-

золанган бўлиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқароси ЕОИИ давлатига кўчиб кетганда, унинг Ўзбекистондаги меҳнат фаолият-ти даври 1992 йилнинг 13 мар-тига, яъни келишув имзоланган санага қадар хорижий мамлакат томонидан инобатга олинади. Россия Федерацияси томонидан эса 2002 йилга қадар бўлган даврлар инобатга олинади.

Шу ўринда, қайд этиш жоиз-ки, ЕОИИ давлатлари аллақачон тақсимловчи (солидар) тизимдан бир неча босқичли пенсия тизи-мига ўтган.

2015 йилда Евроосиё иқтисо-дий комиссияси илк мартаба ягона пенсия майдонини шакл-лантиришга ҳамда Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо бар-ча давлатлар меҳнатқашларининг пенсия таъминоти тўғрисидаги шартномаларни мужассамлашга тайёр эканлигини эълон қилган эди. Бутун жараён 2016 йилнинг охирига қадар яқунланишини тах-мин ҳам қилишган. Лекин миг-рантларни кексайданга муносиб пенсия таъминоти билан кафо-латлаш ҳамда энг мақбул лойи-ҳани ишлаб чиқиш учун мулоқот-лар жараёни кўп вақтни талаб этди.

Мазкур муаммо ҳажмининг катталигини тушуниш учун, бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиб ўтувчи аҳоли сонини эсла-тиб ўтиш қиёфа. Иш топиш мақ-садида ЕОИИ иштирокчи-давлат-лар чегараси орқали кўплаб фуқаролар ҳаракатланишди. Бирок давлатлар турли хил пен-сия тизимларига эга бўлса, ушбу фуқароларни кексайданга муно-сиб пенсия билан қандай таъмин-лаш мумкин, деган табиий савол туғилади.

Қозоғистон 20 йил аввал ҳамғариб бориладиган пенсия тизими (ҳар бир меҳнатқаш ўзи учун пенсия йиғади)га ўтган, Россияда эса кўп йиллардан буён солидар ва жамғариладиган тизимларни бирлаштиришга ҳаракат қилишмоқда, Беларус

ҳам солидар тизимда қолди, яъни ишловчиларнинг тўловла-ри эвазига пенсионерларга пен-сиялар тўланмоқда. Қозоғис-тонда 15 йил ишлаган ва Беларусга кўчиб кетган фуқаро ўзининг пенсия пулларини қан-дай олади, бунда Минск унга қандай пенсия тўлайди? Савол-лар кўп, бироқ яхши хабарлар ҳам бор — эндиликда ЕОИИ иштирокчи ҳар бир давлат ҳудудида орттирилган меҳнат стаж и жамланади.

Хозирги кунда фуқаро бир давлатдан бошқа давлатга кўчганда, ўзининг иш стажини йўқотади. Бунинг сабаби, у бошқа давлатда пенсия бадал-ларини тўлаганлиги.

Эндиликда ҳар бир давлат пенсия тайинлашда барча иш стажларини, яъни собиқ итти-фоқ давридаги, миллий ва ЕОИИ иштирокчи-давлат ҳуду-дидаги ҳар қандай иш стажини инобатга олади. Шу билан бир-га, ҳар бир давлат ҳодимнинг ўз ҳудудида ортирган иш ста-жи учун пенсия тўловларини амалга оширади. Ушбу тўлов-лар фақатгина давлат пенсия тизимига татбиқ этилади.

Умуман олганда, ЕОИИ дав-латлари томонидан маъқуллан-ган ҳужжат лойиҳаси, иккита муҳим муаммони ечишга қара-тилган, хусусан, барча давлат-лардаги иш стажини жамлаш ҳуқуқини қонунийлаштириш, ушбу стаж орттирилган давлат-дан, хозирги вақтда яшаб ке-лаётган давлатда кафолатлан-ган пенсия билан таъминлаш-ни назарда тутди.

Буларнинг барчасида битта муҳим нозик жиҳат мавжуд. Бу ҳам бўлса, ҳужжат фақатгина расмий равишда иш фаолият-ини амалга оширган, иш стажига эга бўлган ҳамда пенсия тўловларини ўтказган фуқаролар фаолиятини инобат-дан, хозирги вақтда яшаб ке-лаад норасмий банд бўлганлар билан бoғлиқ муаммолар эса ҳамон очиқ қолмоқда.

Мавлудахон ХўЖАЕВА,
Шерзод ҚўЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
депутатлари.

Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик бизга нима беради?

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг рақобатдошлиги ва очиклигини оширишга қаратилган ислохотлар изчил олиб борилмоқда. Ушбу сaъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан инвестициявий ҳамкорлиги янада кенгайди.

Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлиги ёки унга аъзо бўли-ши миллий иқтисодиётимизга таъсир этиши нўқтаи назаридан қараганда, аъзолик ташки савдо айланмасини ошириши, импорт тарифлари ва бошқа савдо чекловларининг қамайтирилиши ҳисобига ички бозорда хизмат-лар ҳамда товарлар ишлаб чиқа-риш ҳаражатларининг қамайиши, ишлаб чиқарувчилар ўртасида иқтисодий рақобатнинг қуцайи-ши, маҳаллий товар ишлаб чиқа-рувчиларнинг ташқи бозорда ҳуқуқий ҳимоси мустаҳкамлани-ши борасида ижобий таъсир кўрсатади.

Асосий афзалликлардан бири сифатида 2,6 миллион меҳнат мужожирларига ЕОИИ давлатла-ри фуқаролари билан тенг меҳ-нат шaroити яратилиши, патент

тўловлар бекор қилиниши ҳисо-бига ҳаражатлар қамайтирилиши ва бунинг натижасида иқтисоди-ётимизга бир йилда ўртача 2,0 миллиард доллар кириши мўлжал қилинмоқда.

ЕОИИ билан ҳамкорлик ёки аъзо бўлиш ҳақида гап кетганда, ушбу ташкилотнинг кетма-кет кенгайиб боришини ҳисобга ол-ган ҳолда, фақатгина ЕОИИ дав-латларининг бозорлари ҳажмини баҳолаш эмас, балки шу орқали бошқа давлатлар бозорларининг мақбул бўлишини инобатга олиш лозим. Хусусан, ҳозирги кунда ЕОИИ билан Вьетнам, Хитой, Эрон, Сингапур, Сербия давлат-лари ўртасида эркин савдо зоналари бўйича келишувлар им-золаган. Шунингдек, эркин сав-до зоналари ташкил этиш ҳис-сидан Миср, Ташланд, Мўғулис-

тон ва Ҳиндистон билан музока-рлар олиб бoрилмоқда.

Шу билан бирга, ЕОИИга аъзо бўлгандан кейин тўзилма-нинг барча қoидасига риоя қилиниши зарур. Буни унутмас-лик керак. Шундай экан, маса-лан, ягона божхона тарифлари-га амал қилиниши Ўзбекистон-да ишлаб чиқарилмайдиган то-вар ва хом ашёларга боғланиб қолган ишлаб чиқарувчилари-мизнинг ҳаражатлари ва маҳсул-отларининг таннарни ошишига олиб келади.

Миллий ишлаб чиқарувчила-римиз бунга тайёرمى? Саноат йўналишини ҳисобга оладиган бўлсак, дастлабки ҳисоб-китоб-ларга кўра, 2025 йилгача Евро-осиё иқтисодий иттифоқига интеграциялашиш бир йилда 2,0 миллиард долларгача ёки бу-тун саноат ишлаб чиқаришининг 10 фоизигача салбий таъсир қилиши мумкин. Натижада 100 минггача мавжуд ишчи ҳодимларнинг иш ўринлари қисқартирилиши мумкин.

Шундан автосаноат ва қишлоқ

ҳўжалиги техникаси ишлаб чиқа-риш саноатида экспортни оши-риш билан биргаликда, импорт ўсishi, бутловчи қисмларни олиб кириш бўйича имтиёзлар бекор қилиниши ва техник талаблар ку-чайтирилиши натижасида тан-нарх ошиши ҳисобиға 1,4 мил-лиард долларга яқин йўқотиш бўлиши мумкин. Саноатнинг электротехника, кимё, қора ме-таллургия, темир йўл транспорти ва авиатранспортни тармокларид-а ҳам йўқотишлар тахмин қилинмоқда.

ЕОИИ бозорида рақобатбар-иш дош маҳсулотлар ва хизматлар билан қатнашиш учун Ўзбекис-тон саноатини модернизациялаш зарур бўлади. Бунинг учун, ал-батта, тадбиркорларимиз йирик инвестицияларни жалб қилишла-ри лозим. Бирок Евроосиё иқти-содий иттифоқи шартларида Яго-на божхона тарифи қўлланиши йирик инвесторлар жалб қилиш-да ва амалдаги йирик инвести-циявий лойиҳаларни ишга туши-ришда қийинчилик туғдириши мумкин.

Албатта, миллий ишлаб чи-қарувчиларимизни қўлаб-қув-риш билан биргаликда, импорт ўсиши, бутловчи қисмларни олиб кириш бўйича имтиёзлар бекор қилиниши ишга тушириш бoраси-да ЕОИИ билан музоқаралар олиб бoриб, Ягона божхона та-рифларининг қўлланишида ис-тиснолар ва ўтиш даврларини белгилаш лозим бўлади. Мил-лий иқтисодиётимизнинг ЕОИИ билан уйғунлаштириш жараёни, товар ва хизматларни стан-дартлаш ва сертификатлаш, божхона, санитария ва бошқа соҳалардаги қонунчиликни қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Ўзбекистоннинг ЕОИИга аъзо бўлиши ёки қандай шакл-да аъзо бўлиб кириши мамла-катимиз учун айни пайтда қайси йўл тўғри эканини яна бир бор чуқур ҳулоса қилишимиз зарур-лигини тақозо этади.

Фарҳод ЗАЙНИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
депутати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламини замонавий ва шинам уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида «Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси 2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади.

№ 2020-05 (ретендер).
Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2020 йил 2 апрель.
Тендер тақлифларини тақдим этиш учун охириги мuddат: эълон чоп этилган санадан кейин 30 кун.
Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.
1-тип: тўрт қаватли кўп квартиралы (2, 3 хоналы) уйлар;
2-тип: беш қаватли кўп квартиралы (2, 3 хоналы) уйлар;
1. Тендер иштирокчилари қуйида санаб ўтилмадиган ҳар бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов тақлифларини киритишлари мумкин.
2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Бюроутмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини қуйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган танлов тақлифларини киритишларини тақлиф қилади.
3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.
4. Тендер иштирокчилари қўшимча маълумот олиш ҳамда тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига қуйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:
Сурхондарё вилояти
Манзил: Термиз шаҳри,Тараққиёт кўчаси, 42-уй.
Телефон: (376) 223-44-73
Факс: (376) 223-44-78
5. **Тендер ҳужжатлари нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари қуйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилишлари мумкин:**
«_____вилoяти, _____тумани, _____массивидаги, _____лот _____та якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини бeришингизни сўрайман» тарзида.
Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.
Кейинчалик қайтариб бeрилмайдиган пул тўлови тендер ташкилотчиларининг — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб бeрилмайдиган БХМ (базавий ҳисоблаш миқдори)га тенг.
Банк ҳисоб рақами реквизитлари қуйида келтирилган:
Сурхондарё вилoяти
Банк: «Ҳамкорбанк» АТБ
Термиз филиали
СТИР: 202 574 427
Х/р: 2021 0000 504 272 552 001
Тендер ҳужжатлари қуйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:
Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.
Тақлифларни тақдим этиш сўнгги мuddатигача.
Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача.
Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим қилиш.

Тендер тақлифларининг очилиши тақлифлар тақдим этишнинг охириги кунинда тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида қуйида келтирилган манзилда ўтказилади:

Сурхондарё вилояти ҳокимияти
Манзил: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй.
Телефон: (376) 223-44-73
Факс: (376) 223-44-78
Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилиш мумкин.
Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб бeришлари лозим:

Уй типлари	Битта уй (квартира) учун талаб этилади				
	Талаб қилина-диган йиллик ўртача айланма маблаг (сўм)	Қурилиш малака-си ўхшаш ҳажм ва ҳарактердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³	Сўнгги 3 йилда бетон ишлари м³	Сўнгги 3 йилда қўриб биттирилган уйлар майдони м²
Тўрт қаватли кўп квартиралы (2, 3 хоналы) уйлар	2 600 000 000	2 200 000 000	400	700	1500
Беш қаватли кўп квартиралы (2, 2*, 3 хоналы) уйлар	3 000 000 000	2 400 000 000	450	750	1800

Шартнома (лот)лар рўйхати						
Лот №	Худуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Квартира сони	Тўрт қаватли 2-3 хоналы уйлар	Беш қаватли 2-3 хоналы уйлар	Тақлифларни топширишнинг охириги мuddати
				сони	квартира уй рақами	
	Сурхондарё вилoяти		90		3 90	
246	Музработ	Янги ҳаёт	30		1 30	2020 йил 2 май 11:00
247	Музработ	Янги ҳаёт	30		1 30	2020 йил 2 май 11:00
248	Музработ	Янги ҳаёт	30		1 30	2020 йил 2 май 11:00

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси маълум қилади:
ушбу эълон қиқиши муносабати билан «Ишонч» газетасининг 2020 йил 16 январдаги №10-11 (4296) сонида "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги 2020 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан №2020-01 сонли Сурхондарё вилoياتида танланган массивлар учун №105-106-107 лотларнинг тендер савдолари пудрат ташкилотлари томонидан лотлар тўлдирилмаганлиги сабабли бекор қилинсин.

Аксарият моддалар замон талабларига мослаштирилади

Сўнгги йилларда барча соҳа қаторида мамлакатимиз аудит бозорида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди, улкан ислохотлар амалга оширилди. Жорий йил 1 январь ҳолатига кўра, 96 та аудиторлик ташкилоти фаолият кўрсатиб, шундан 18 таси йирик халқаро тармоқ ҳамда ассоциацияларнинг аъзоси ҳисобланади.

Жараён

Ўтган йили Жаҳон банки томонидан молиялаштириладиган лойиҳаларни аудиторлик текши-рувудан ўтказадиган ташкилот-лар рўйхати янгиланиб, ушбу рўйхатга юртимиздаги 8 та аудиторлик ташкилоти ҳам киритилди.

Мазкур соҳа фаолияти амал-даги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Қонун асосида тар-тибга солиб келиняпти. Аммо бундан йигирма йил аввал қабул қилинган ушбу ҳужжат замон талабларига жавоб бeрмай қолди. Ундаги айрим нормалар тўғридан-тўғри амал қилувчи норма эмас.

Бу эса Қонуннинг янги тахрир-даги лойиҳасини ишлаб чиқиш-ни тақозо этмоқда. Шундан ке-либ чиқиб, янги тахрирдаги “Аудиторлик фаолияти тўғриси-да”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Хўш, ушбу лойиҳада қандай ўзгартишлар киритилмоқда?

Тақлиф этилаётган янги нор-маларда қонун мақсади ва қўлла-нилиш соҳаси, таянч тушунчалар-ни ҳамда аудиторлик фаолият-ининг асосий принципларини ёри-тиб бeриш, аудиторларнинг про-фессинал ахлоқ кодексига амал қилиш ва аудитнинг халқаро стан-дартларини жорий этиш, аудиторлик фаолияти Молия вазирлиги томонидан тартибга солиниши кўзда тутилмоқда.

Аввало, унда аудиторлик фаолиятини лицензиялаш бўйи-ча давлат хизматлари кўрсатиш тартибини соддалаштириш, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун қoғоз шаклида лицензия бeришни бекор қилиш белгиланяпти.

Мазкур фаолиятни фақат аудитнинг халқаро стандартлари асосида юритиш, Молия вазир-лиги томонидан республика жа-моат бeришмалари билан бир-галикда молия-ҳўжалик фаолият-ига аралашмаган ҳолда аудитор-лик ташкилотлари иши сифати-ни ташқи назорат текширувудан ўтказиши, мажбурий аудиторлик текширувудан ўтадиган ижти-моий аҳамиятга эга бўлган таш-килотлар рўйхатини шакллантириш нормалари акс эттирилмоқда.

Шу билан бирга, аудиторлар малакасини оширишнинг амалий натижа бeрадиган тизимини таш-кил қилиш, манфаатлар тўқнашу-вининг олдини олиш ҳам кўзда тутилган. Аудиторлик фаолият-ини тартибга соладиган нормалар-ни битта норматив-ҳуқуқий ҳуж-жатда унификация қилиш ва ти-зимлаштириш қoидалари алоҳи-да кўрсатиб ўтилган.

Қайд этиш лозимки, амалдаги қонуннинг санoқли моддаларидан ташқари аксарият моддалар хозирги даврга мослаштирилган, лойиҳанинг асосий қисми бутун-лай янгиланган. Етақчи хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда аудит ривoҳланишининг миллий амалиётини ҳисобга олган ҳолда, аудиторлик фаолиятини тартиб-га солишнинг тизимлилиги ва комплекслилигини таъминлаш қонун лойиҳасининг асоси ҳисобланади.

Лойиҳада аудиторларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгиланмоқда. Аудиторларни сертификатлаш бўйича тўғридан-тўғри амал қиладиган нормалар алоҳида бoб билан тўлдирили-пти. Яъни аудитор малака серти-фикатини дастлаб беш йиллик мuddатга бeриш, навбатдаги мuddатини ўн йилга узайтириш ва ундан кейин мuddатсиз давр-га бeришни назарда тутувчи аудитор малака сертификатнинг амал қилиш мuddати бўйича янги норма киритилмоқда. Малака сертификатининг амал қилиши-ни тугатиш ва уни бекор қилиш учун асосларни бeрлаштириш ҳам янги норма сифатида тақ-лиф қилинган.

Аудиторларни сертификатлаш бўйича асосий талабалар амал-даги низомадан қонунга кўчирил-моқда. Бу эса бир хил масала-лардаги ҳуқуқий нормалар қўпли-гини барт

Кулайлик

Карантин — касаллик тарқалиши олдини олишнинг энг қатъий чораси, жамиятнинг ўрнатилган тартиб-қоидаларига риоя этган ҳолда, фуқароларнинг ҳаракатларини мумкин қадар камайтириш, жамоа бўлиб туришнинг олдини олиш, давлат ва жамиятнинг мувозанатда бўлишини англатади.

Бозорга бориш шарт эмас

Шу маънода, жорий йилнинг 30 март куни мамлакатимизда коронавирус тарқалишининг олдини олиш мақсадида шахсий транспорт воситаларининг ҳаракатланишига чеклов жорий этилганида айрим фуқароларимиз ноўрин ташвишга тушгани ҳам бор гап. Хатто “нархлар ошиб кетади, танқислик юзага келади”, деган хавотир билан карантин қоидаларига зид равишда бозорларга чиқиб, махсулотларни керагидан ортиқ ғамлаш пайига тушганлар ҳам бўлди.

Аслида эса бундай хавотирлар асоссиз. Буни пойтахтимиз бўйлаб ташкил этилаётган арзонлаштирилган қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ярмаркалари мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Гап шундаки, Тошкент шаҳар давлат солиқ хизмати органлари томонидан карантин вазиятида аҳолига қулайлик яратиш, уйдан узоққа бормаи харидларни амалга оширишини таъминлаш мақсадида маҳаллаларда арзонлаштирилган қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ярмаркалари ташкил этилмоқда. Жумладан, Юнусобод тумани, 4-сектор ҳудудида жойлашган Қадрдон маҳалласидаги кўчма ярмаркада фуқароларга 1000 кг. картошка, 550 кг. пивёз, 350 кг. сабзи, 400 кг. ун ҳамда 300 литрдан зиёд ўсимлик ёғи ҳамда бошқа махсулотлар арзонлаштирилган нархларда сотилди.

Шунингдек, бир қатор маҳаллаларда ташкил этилган ярмаркаларда фуқаролар гўшт, ёғ, картошка, пивёз, тухум, ун, гуруч, шакар, карам, помидор ва бошқа махсулотларни арзон нархларда сотиб олиш имконига эга бўлишди.

«Халқ сўзи».

Қатъий интизом ва белгиланган қонун-қоидаларга риоя қилиш

пандемияга қарши курашишда энг самарадор усул саналади

Бугун дунё халқлари кўринмас душман — эпидемия билан рўбарў келди. Шу жумладан, халқимиз ҳам коронавирус инфекцияси туфайли синовли дамларни бошдан кечирмоқда.

Айни вазиятда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳам коронавирус эпидемиясига қарши курашиш мақсадида бор имкониятларни сафарбар этяпти. Мамлакатимиз хавфсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини асраб-авайлаш ҳарбий хизматчиларнинг асосий вазифаси. Шу боис Ватан ҳимоячилари томонидан коронавирус пандемиясини бар-тараф этиш бўйича ҳам кўплаб ишлар амалга оширилляпти.

2020 йилнинг 27 мартдан 20 апрелига қадар Куроли Кучлар Бош штаби Радиацион кимёвий биологик муҳофаза қўшинлари ва Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемиология нazorат маркази ҳамкорлигида республикамизнинг барча ҳудуд-ида махсус так-тик ўқув машгу-лотлари ўтказилмоқда. Кўс-ад аҳоли кўп тўпланадиган жамoат жойла-ри, савдо мар-казлари ва бo-зорларда кенг миқёсда дезинфекция ишлари-ни олиб бoриш, кoрoнaвируc ин-фекцияси тарқaлишининг oлд-ни олиш, фуқарoларимиз хавф-сизлиги, салoмaтлигини тaъмин-лашдан ibорaт.

Таъкидлаш керакки, кoрoнa-вируc пандемиясининг кириб кeлиши ва мамлакатимизда кa-рантин эълoн қилинганлиги мy-носабaти билан Мудофаа вaзир-лигида тeзкор штаб фaолияти йўлгa қўйилди. Унда ҳарбий хиз-мaтчилар тoмoнидaн бyкoпoст-

лар, кaрaнтингa oлинган ҳудуд-лар бўйичa мaълумoтлар йиғи-либ, дoимий рaвишдa тeғишли вaзирлик ва идoрaлар билан мy-вoфиқлaштириб бoрилмoқдa. Мaхсус тактик ўқувидa ҳар кyни тoнгдaн мaхсус кийим-бoш билан жixoзлaнган Мудофаа вaзирлигининг ҳарбий хизмaт-



Масъулият

чилари 100 дан oртиқ мaхсус иxtисoслaшти-рилган техника-лар, дезинфек-ция воситaлари билан Қoрaқaл-

пoгистон Рeспубликаси, вилoят-ни oлиб бoриш, кoрoнaвируc ин-фекция ишларини амaлгa oшир-мaнми, “ғўлин (туршaк) oлиб бe-ринг”, деб хaрхaшa қилгaндим. Бир ҳoвyч туршaқни кўлимгa тyт-қaзгани шундoқ кўз oлдимдa. Oрaдaн бир йил ўтaр-ўтмaс, 1942 йилдa ундaн “қoрa xaт” кeл-ди. Бу ёғини сyриштирсaнгиз, қишлоғимиздaн aттиги икки киши yрушдaн сoғ-oмoн қaйтди. Камол Пўлатoвгa кeлсaк, унинг қaҳрaмoн бўлгани ҳaқидаги хaбaрни биз ҳaм

ларни йўқ қилaди. Шу бoис ҳарбий хизмaтчилар ҳaм ўшбy арaлaшмa ёрдaмидa дезинфек-ция ишларини aмaлгa oширмoқдa. Дунёнинг 200 дaн oртиқ дaв-латларигa кириб бoрган кoрoнaвируc пандемиясигa қaрши кyрaшиш, мaзкyр мyaммoни ҳaл этиш ҳaр биримизнинг мyҳим



вaзифaмиз ҳисoблa-нaди. Ўшбy глoбaл мaсaлaдa бaрчa тeғишли идoрa ва тaш-килoтлар хaлқимиз сoғлиғини ҳимoя қилиш yчун мyнoсиб хиссa кўшaпти.

Хyсyсaн, пoйтaхти-миздaги йирик сaвдo мaркaзлa-ри, Oлoй, Эски Жyвa, Мирoбoд, Юнyсoбoд кaби дeҳoн бoзoр-лaри, сeркaтнoв кўчaлар, eр oсти ўтиш жойлари ҳaмдa чи-қиндихoнaлaр ўткaзилaётгaн мaхсус тактик ўқув машгулoтлa-ри дoирaсидa ҳар кyни тyлик дe-зинфекция қилинмoқдa. Бy би-лан Мудофаа вaзирлиги ҳарбий хизмaтчилари ўшбy вироcнинг oммaвий тарқaлиб кeтиш хaв-фининг oлдини oлишдa шифo-қoрлар, сaнитaр-эпидeмиoлoгик oсoйиштaликни сaқлaш мyтaхaс-сислари билан eлкaмa-eлкa тyри-б, хaлқимиз, юртдoшларимиз салoмaтлигини aсрaшдa ўзининг мaтoнaти, жaсoрaтини aмaлдa нaмoён этмoқдa.

Шу ўриндa aйтиш жoиз,

Тошкент ҳарбий oқругигa қaрaшли yмyмқўшин пoлигoни-дa 1,5 минг кишилик oқyмли кaсaллиқларгa мўлжaллaнган дaлa шарoитидaги Ҳарбий-тиб-бий гoспитaль тaшкил қилин-ди. Бy eрдa қaбул-сaрaлaш, сa-нитaр-ўткaзиш, бeмoрларгa сa-нитaр ишлoв бeриш, изoляция кaби бўлимлар фaолияти йўлгa қўйилди. Гoспитaлдa рeнтгeн, элeктpoкaрдioгpaфия, yльтpaтoвyш тeкширy-ви, ўпкa тўқимaларини тeк-ширyвaдaн ўткaзиш пyнкти,

yмyмий қoн вa сийдик тaҳли-ли, биoкимёвий тaҳлил лaбoрaтoриялари ҳaмдa кўчмa ҳарбий-тиббий мoби-ль мaркaз мaвжyд бўлиб, Мудофаа вaзирлиги Мaркa-зий ҳарбий клиник гoспи-тaлининг мaлaкaли шифoқoрлa-ри фaолият oлиб бoрaди.

Дaлa-ўқув мaйдoнининг бoшкa бир қисмидa бeмoрлар yчун зaрyр шарoитларгa эгa бўлгaн чoдирлар ҳaм ўрнaтил-ди. Улардa кaрaнтиндa сaқлa-нaётгaн фуқарoлар oвқaтлaни-ши, ювиниши, дaм oлиши вa бoшкa қyлайликлардaн фoйдa-лaниши мyмкин бўлaди. Бy eрдa oнa вa бoлaлар yчун мaхсус жойлар тaшкил этилди. Шy билaн биргa, рeспубликa-миз бўйлаб Мудофаа вaзирли-ги тoмoнидaн кўшимчa кaрaн-тин жойлари тaйёрлaб қўйил-ганини ҳaм aлoҳидa тaъкидлaб ўтиш кeрaк.

Жaҳoн тaжрибaси шyни кўрсaтмoқдaки, кoрoнaвируc пандемиясигa қaрши кyрaшишдa энг сaмaрaдор yсул қaтъий интизoм вa белгилaнган қoнyн-қoидaларгa риoя қилиш сaнa-лaди. Шундaй экaн, бy тaлaб-ларгa бaрчa риoя этcа, фoйдa-дaн ҳoли бўлмaйди.

«Халқ сўзи».



1

Холбуки, кучлар тенг эмасди. Аммо урушда буйруқ муҳокама қилинмайди. Бўлинма аскарлари ёпирилиб келаётган душман танкларига қарши мардонавор курашдилар. Ундан зиёд танклар олов исканжасида қолди. Аммо душман ҳамла қилишдан тўхта-масди. Мана, икки-уч танк оқо-па қиянлашиб қолди. Камол аччиқ тутун ичра ён-атрофга қаради. Жангчиларнинг барчаси нобуд бўлган, жанг майдони гўё жаҳан-намга айланганди. Қўлига грана-тани олганича танкининг яқинла-шишини кутди. Зирхли камона бир зумда тутун ичида қолди. Жасур ўзбек ўғлони рўпарасига келиб қолган танкка граната улоқ-тирди. Аммо масофа аяқ эди. Кучли зарба ва олов тўлкени унинг ўзини ҳам чамаси беш-олти метр нарига улоқтириб юборди.

Кузатув пунктидан ҳаммасини кўриб турган қисм командири Хабиоров “Яша, Пўлатов”, дея бақирди-ю, шундай мард жангчи-дан айрилиб қолганини ўйлаб, бошини чангаллади...

Кейинчалик у бўлинма аскар-ларининг орта чекинмай, тенгсиз олишувда душманин пароканда қилишгани, лейтенант К. Пўлатов-нинг қахрамонларча ҳалок бўлган-и тўғрисида кўмондонликка хабар беради. Ўз навбатида, кўмондонлик ромитанлик бу жасур йигитни мукофотга тавсия этади. Шу тариқа Камол Пўлатов-га ўлимидан сўнг СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 21 апрелдаги фармони билан “Совет Иттифоқи Қахрамони” унвони берилади.

Бу хабар олис Ромитанга ҳам етиб келди, албатта. Маҳаллий раҳбарлар зудлик билан қахра-моннинг қишлоғига йўл олишди.

Тантанали митинг ўтказилди. Бу ердаги жамоа ҳўжалигига Камол Пўлатов номи берилди. Қахрамон туғилиб-ўсган уй таъмирланди. Оиласига сигир туҳфа қилинди. Фақат... Фақат бу тантана бир чеккада маънос бош эгиб турган азадор Фотимага татимасди — кўнгли алғов-далғов эди...

Яна ўша машўм жанг майдон-ига қайтамиз. Навбатдаги танк-ни портлатиб, ўзи ҳам юзтубан ййилган Камол тирик қолади. Ҳўшига келганида тепасида автомат ўқталиб икки фашист турганини кўрди. Дунё кўзига қоронғу бўлиб кетди. Мажолсиз,

бир хонадондан кимнингдир ота-си, акаси ёки ёр-биродари уруш-га кетганди, — дейди 85 ёшли Шариф ота Шаропов. — Кечагидай ёдимда, отам Шароф Ражабов урушга жўнар паллада бола эмас-манми, “ғўлин (туршак) олиб бе-ринг”, деб хархаша қилгандим. Бир ҳовуч туршакни кўлимга тут-қазгани шундоқ кўз олдимда. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, 1942 йилда ундан “қора хат” кел-ди. Бу ёғини суриштирсангиз, қишлоғимиздан атиги икки киши урушдан соғ-омон қайтди. Камол Пўлатовга келсак, унинг қахрамон бўлгани ҳақидаги хабарни биз ҳам

Яна ўша суронли йилларга қай-тамиз. Фашистлар қўлида тутқун-лик азобини тортган Камол ўзлаб асирлар қаторида овоз қилина-ди. Сўраб-суриштириш бошлана-ди. К. Пўлатов ўша машўм жанг тафсилотини сўзлаб беради. Ярадор, боз устига ҳўсиз ётган чоғида фашистлар асир олишга-нини айтади. Қилни қирқ ёришга устомон тегишли идора вақилла-ри воқеага ойдинлик киритиб, лейтенант Камол Пўлатов Ватан хоини эмаслигига ишонч ҳосил қиладилар. Акс ҳолда унинг қолган умри турмада ўтиши мўқаррар эди.

Гап шундаки, уруш йилларида душманга асирлик хоинлик билан тенглаштириб қўйилганди. У ёки бу аскарнинг қандай вазиятда фашистлар қўлига тушиб қолган-и ҳеч кимни қизиктирмас, асир-ликда бўлдингми, демак, сен сотқинсан, Ватан хоинсан, деган тамга босиларди. Бу тамга минглаб бегуноҳ аскарларнинг умрига зомин бўлганини, айби йўқ қўлаб қишлар қамоқхона-ларда кўз кўриб, қулоқ эшитма-ган азоб-уқубатларга дучор этил-ганини бугун яхши биламиз. Ай-нан шу тамга Камол Пўлатовга ҳам ҳўкм ўқишга улгурганди.

Ғиждувондаги “Қидирув клуби” раҳбари Эркин Латипов бу жасур юртдошимизнинг аччиқ қисмати-га ойдинлик киритишда фидойий-лик кўрсатган инсонлардан. Унинг номига 1986 йилнинг 12 майида СССР Олий Совети Президиуми-нинг мукофотлаш бўлимидан кел-ган 189-рақамли жавоб хатида айтилишича, 1918 йилда туғилган Камол Пўлатовга “Совет Иттифоқи Қахрамони” унвони берилган. 1947 йилда эса муко-фот бекор қилинган.

Қахрамоннинг кейинги қисмати ҳақида ёзиш эса янада оғир.

Камол неча йиллик айриликдан кейин она қишлоғига қайтиб кел-ган паллада у ҳақда турли миш-мишлар авж олади. “Қахрамон-ликини адаштириб бунга бериш-ган экан”, “Душманга ўз хоҳиши билан асир тушган эмиш” қаби-лидаги тағи пуч гапларни эшитиш оғир, албатта. Бу ҳам камлик қилгандай, маҳаллий раҳбарларнинг бу оилага нисба-тан муносабати ҳам буткул ўзгаради. Улардан бири хатто “Айбинг — тирик қолганинг” дейишгача боради.

Орадан кўп вақт ўтмай Камол Пўлатовнинг бошига оғир жудо-ликлар тушади. Ёлғиз зурриёти Рауфжон хасталаниб вафот эта-ди. Бу кўргулик етмагандай умр йўлдоши Фотима ҳам ҳаётдан эрта кўз юмади. Ҳаётнинг бе-шафқат зарбалари қахрамоннинг ҳам соғлигига зиён етказди. Урушда душман танкларига ба-рини қалқон қилиб, улар йўлини тўсган йигит тақдирининг руҳий зарбалари, айрилиқлари олдида ожиз қолади. У 1950 йилда ва-фот этади. Ўшанда унвонсиз қахрамон ҳали 33 ёшга ҳам қирмаган эди.

Номинг ўчғур уруш шу тариқа бир хонадоннинг чирогини буткул ўчирди!

Туман марказидаги Хотира ва Қадрлаш хиббонида “Ромитан фидойилари” сарлавҳали лаҳза бор. Унда бир гуруҳ юрт жонку-ярлари қаторида Камол Пўлатов-нинг номи ҳам ёзиб қўйилган. Бу инсон ким бўлган, у қандай қахрамонлик кўрсатган? Афсус-ки, бу саволга ҳозир бармоқ билан санарлиқ даражада оз кишилар жавоб бера олишади, холос. Улар ҳам, асосан, қахра-мон туғилиб ўсган қишлоқ кексаларидир. Агар туман ҳoқим-лиги савoбтaлaб инсонларни жалб этган ҳoлдa, мaрд юртдoш-имизининг хoтирaсини тиклaш ҳaқида ўйлaсa, aйни мyддaа бўлaрди. Бy ишнинг ёшaр тaрбиясидa ҳaм aҳaмияти бeниҳoқ кaттa. Зeрo, Иккинчи жaҳoн yрушидa жaсoрaт кўрсaт-гaн юртимизнинг yнвoнли вa yнвoнсиз қaҳрaмoнлaри oнa Вaтaнгa сaдoқaт тимcоли бўлиб қoлaвeрaдилaр.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Бир ғазал шарҳи

Баҳор айёми...



Бобуршоҳ ғазалиётида инсон ва унинг қалби, табиат ва унинг гўзаллиги Улуғ Яратувчи қудратининг бир мўъжизаси сифатида умумий бир бутунликда тасвирланади:

Баҳор айёми дағи йигитлиكنинг авонидур.
Кетур, соқий, шароби нобким, ишрат замонидур.

Баҳор айёми ёшликнинг авони (гўзал онлари)дир. Табиатнинг гўзаллиги, йигитлиkning навувонлиги, қалб-нинг сурурбахшлиги ва шароби ноб — ўзаро уйғун ту-шунчалардики, уларни замоний жиҳатдан ҳам, маконий жиҳатдан ҳам ажратиб бўлмайди. Шу буюк бутунликини тўлдирувчи, унга завқ қўшувчи соқий (устоз, пир)га муро-жаат қилиб, шароби ноб сўраши ҳам инсон қалбининг май — муҳаббатга илҳақлигини кўрсатади.

Шоирнинг мақсади биз тушунган маънодаги “ишрат” эмас, балки табиат гўзаллигини инсон кечинмалари билан боғлаб ағнаш, шундай гўзал табиатни яратган, унга йи-гитлик қамолини бахш этган Соҳиб қудратнинг мўъжи-засини ожиз банда фақат устози муршид воситасидаги-на ағналади. Шунинг учун ҳам устоз — соқийдан шароби ноб сўраш — улуг ва кучли муҳаббат илми билан қалбини тўлдириб нияти экани тушунилади.

Табиат гўзаллигидан сўз очган ғазал унинг тасвирида чарчамайди:

Ғаҳи саҳро узори лола шаклидин эрур гулгун,
Ғаҳи саҳни чаман гул чехрасидин аргувонидур.

Лола богда, чаманда эмас, тоғу саҳрода ўсади. Унинг ўсимлик сифатида ривожда ҳам инсон меҳнатида кўра кўпроқ табиатнинг илоҳий қудрати муҳим аҳамият касб этади. Саҳро — сарик тусда эмас, у лолалар шаклидан (рангидангина эмас, балки унга уйғун гўзал шакллардан) узори (юзи) гулгун ҳолга келган. Чаман саҳни ҳам гул чехраси туфайли қизғиш кўринишига сабаб биргина қизил гуллар эмас, балки аргувон (баҳорда пушти-қизил рангда гуллайдиган дарахт) гуллари чаман саҳнига тўкилиб, унга алвон ранг бағишлаб турибди.

Баҳор киш билан ёз мавсуми ўртасидаги фаслгина эмас, тасаввуфда илм маками. Илм эса тасаввуфий талқинда параддир. Илмнинг эғалланиши соқий (устоз) иштирокисиз кечмайди. Баҳор парданин очилиши экан, бу жараёнда солиқ ўзининг ваҳд ҳолатида соқий — устозга мурожаат қилиши табиий. Зеро, унинг иштироки-сиз, шароби нобга, яъни кучли илоҳий муҳаббатга эришиб бўлмайди. Баҳор қалб ва руҳнинг ўртаси — мўътадил ҳоли бўлиб қудрат баҳори, навувонлик шаклларида важдо ҳол макомини ағналувчи ибора сифатида қўлланлади (Низомиддин Қандақорий). Йигитлик авони эса нақш-бандийликда жуванмардлик белгисидир. Шундай экан, комиллик (илм) йўлига қирган солиқ илк мавсум — баҳор айёмида шароби ноб воситасида ишрат мавсумига интилиши фалсафий жиҳатдан ғазал мазмунидаги табиат тасвирига мос келади.

Био саҳни чаман бўлди мунаққаш ранги гуллардин,
Магарким, сунъ Наққошига ранг имтиҳонидур.

Баҳор айёмида био (бунёд бўлган маскан, маъво) саҳ-ни рангинг нақш этилган (барпо бўлган) гуллар туфайли чаман бўлди, бу Улуғ Яратувчи (Наққош) сунъ (яратилиш, яралмиш) пайтида рангларни имтиҳон қилгани натижаси-дики, бу гўзаллик, яратилган аргувоний — гул ва гулгун-лик туфайлидир. Айни шу байт юқорида тасаввуфий маъ-но ташиган баҳор (илм йўли), йигитлик (жуванмардлик), соқий (пир, муршид), шароби ноб (илоҳий муҳаббат), гулгун (кашф этиш), гул (илҳом) каби қалималар билан боғланиб, био — борлик (ҳам саҳро, ҳам бог) чаманга айланишига сабаб бўлди. Бу ўз-ўзидан эмас, балки Яратувчининг ранглари имтиҳон қилиб (танлаб), бизга берган бир мўъжизасидир.

Юзунг, эй сарв, жоним гулшанининг тоза гулзори,
Қадинг, эй гул, ҳаётим боғининг сарви равонидур.

Эй, сарв қоматли, юзинг менинг жоним гулшанининг тоза гулзоридир. Қадинг эса, эй гул, ҳаётим боғининг нишонасидир. Бу ўринда сарви равон — сарв қоматли ёрнинг хиром билан юриши каби шоир ҳаёт дарахтининг ўсиши, тараққий этиши ўша Гул (илоҳий гўзаллик)га боғ-лиқдир. Шоирнинг жон гулшани ўша сарвқоматининг юзи каби тиниқ, покиза бўлгани каби унинг қади (ўсаётган гўзал ниҳол) ҳам лирик қахрамон ҳаёт боғининг яннаши-га туртки беради.

Не ерда бўлсанг, эй гул, андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибингга тараххўм айлаелсин, анда жонидур.

Гул қаерда бўлса, Бобурнинг жони ўша ерда, чунки Гул (маънавий гўзаллик тимсоли, Улуғ қалб) қаерда бўлса, шоир жони ҳам ўша ерда. Ғарибингга, яъни шоирга раҳм қилгил, чунки унинг жони, ҳаёти Сенинг қўлингддир.

Ғазалда бош тимсол тараххўм айлагувчи Гул (маҳозий маънода у ёр, маъшўқа бўлиб келади), тасаввуфий маъ-нода Яратувчи деб тушунилади), шоир (ғариб ёки ан-дихонлик)нинг Унга Баҳор айёмида Йигитлик авонидаги мурожаати асарнинг яхлит маъносини беради. Анда жонидур бирикмасининг “менинг жоним ўша ердадир”, “андихоний — андихонлик” ва “жони гаровга қўйилган” (М. Қошғарий) ва бошқа маънолари Бобуршоҳ каби даҳо шоирнинг маънолар кўламини шу икки сўзга боғлаш ма-ҳоратидан дарак берадики, уни матндан ўзгача ўқиш ёки талаффуз этиш, ғазалдан кўзланган маънолар қамровини чеклаб қўяди. Гулга бўлган муҳаббатнинг ўрни қалбда бўлгани каби Бобурнинг жони ҳам ўзи бахшида қилаёт-ган ўшал манзилда, яъни инсоннинг ҳаёт дарахтининг гуллаб яннаши ёки ва қуриб — умрининг тугаши улуг Аллоҳнинг иродасига боғлиқ. Баҳор айёмида йигитлик авонида буни билишлик, Унинг бемисл муҳаббати сари йўл топишлик ҳар бир бандага (инсонга) насиб қилсин.

Хамидулла БОЛТАБОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,

Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюрогма Г — 456. 46 680 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Ўқонлар 71-232-11-15.

Гazетaмиз ҳaқидаги мaълyмoтларни юклaб oлиш yчун QR-қoднин тeлeфoннингиз oрқaли cкaнep қилинг.

153N 2010-678A

71232010678001

Тахририятга кeлгaн кўпeзмaлaр тaқриб қилинмaйдигaн вa мaълyмлaрғa қaйтирaлмaйдигaн.

Гazетaнинг cтaккaби бeрилмиш yчун oбyбaни рaсмийлaштиргaн тaшкилoт жaнoблaр.

Гazетa тaхририят кoмпьyтер мaркaзидa тeрмiлaл ҳaмдa oпepaтop Ж. Тoғaев тoмoнидaн cаҳифaлaнди.

Гazетaнинг пoлигpaфич жixтaдaн cифaтлi чoп этилмишгa “Шaрқ” нaшриёт-мaтбaа aкциядoрлик кoмпaнияси мaсълy. Бoсмaхoнa тeлeфoн: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбўтчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топпирилди — 00.15

1 2 3 4 5 6